

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ БАХТИЕР БАХАДИРОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ ПАТОГЕНЕТИК  
ТЕРАПИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАЛИ  
ПРОФИЛАКТИКА УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.11 - Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Каримов Бахтиер Бахадирович**

Болаларда атопик дерматитнинг патогенетик терапиясини такомиллаштириш ва самарали профилактика усулларини ишлаб чиқиш..... 3

**Каримов Бахтиер Бахадирович**

Совершенствование патогенетической терапии атопического дерматита у детей и разработка эффективных методов профилактики..... 21

**Karimov Bakhtiyor Bakhadirovich**

Improvement of pathogenetic therapy of atopic dermatitis in children and development of effective methods of prevention..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ БАХТИЕР БАХАДИРОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ ПАТОГЕНЕТИК  
ТЕРАПИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАЛИ  
ПРОФИЛАКТИКА УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.11 - Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1530 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хаитов Кахрамон Нажмитдинович**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ваисов Адхамжон Шавкатович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Арифов Саидқосим Саидазимович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Т.А. Набиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда болалар орасида атопик дерматит (АД) касаллиги билан оғриган беморлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Сўнгги ярим асрда дунёнинг иқтисодий ривожланган давлатларида болалар ўртасида АДнинг тарқалиши 30-50%га ортган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...кейинги ўттиз йил ичида болалар орасида атопик дерматит билан оғриган беморлар сони барқарор ошиб бормоқда ва АКШда 17,2%, Европада 15,6%, Японияда 24% болалар ушбу дерматоз билан касалланган...»<sup>1</sup>. Атопик дерматитнинг аҳоли, айниқса болалар орасида ортиб бориши, тез-тез қайталаниши ҳамда бошқа аллергик касалликлар билан бирга келиши касалликнинг клиник-патогенетик ва иммунологик хусусиятларини ўрганиш орқали даволаш усулларни такомиллаштириш ва самарали профилактика усулларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда атопик дерматит касаллигининг клиник-патогенетик ва иммунологик хусусиятларини ўрганиш, даволаш чораларини такомиллаштириш ҳамда самарали профилактика усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида АДнинг клиник кечишидаги мавжуд ҳамроҳ аллергик касалликларнинг таъсирини эътиборга олган ҳолда даволаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳамроҳ аллергик касалликлар АДни оғирлашишига, беморлардаги иммунологик ўзгаришларга олиб келишини эътиборга олган ҳолда, ҳамроҳ аллергик касалликларининг АД кечишига таъсирини ўрганиш, самарали даволаш ва профилактика алгоритминини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда...»<sup>2</sup>. Бу борада болаларда АД касаллигининг клиник-патогенетик ва иммунологик хусусиятларини ўрганиш ва беморларни самарали даволаш ҳамда профилактик усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2021 йил 6 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт

<sup>1</sup> <http://www.who.int/meiacentre>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги, 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё олимлари томонидан атопик дерматитни келиб чиқишида ҳужайрали ва гуморал иммун тизими ҳамда ИЛ-2, ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-10, ИЛ-17, ЎНО- $\alpha$ , ИНФ- $\gamma$  интерлейкинлар, эпидермал барьер, генетик, иммуноглобулин Е (IgE), нейроиммунологик ва бошқа патогенетик механизмлари ўрганилган (Kim J. ва ҳаммуал., 2019).

МДХ давлатлари олимлари томонидан АД билан касалланган болаларда иммунологик реактивлик ва маҳаллий иммунитет кўрсаткичларининг пасайиши аниқланган (Кубанова А.А. ва ҳаммуал., 2017; Погорелова Е.И. ва ҳаммуал., 2019), шунингдек АДда иммун жавобни периферик қондаги лимфоцитлар субпопуляцияси, иммуноглобулинлар ва цитокинлар миқдорини (Варламов Е.Е. ва ҳаммуал., 2012) ҳамда теридаги маҳаллий иммун жавобни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ўтказилган (Ниязов Д.Д. ва ҳаммуал., 2014). Атопик дерматит билан ҳасталанган болаларда иммун, нейроэндокрин, метаболик ва коморбид аллергик бузилишлар аниқланган (Маменко М.Е. ва ҳаммуал., 2012). Атопик дерматитнинг ривожланиш патогенезида иммун бузилишларга катта эътибор берилади (Садикова Т.Е. ва б., 2013, Короткий Н.Г. ва б., 2016). АДга чалинган беморлар организми иммунологик текширилганда иммунитетнинг ҳам ҳужайрали, ҳам гуморал (Ларькова И.А. ва б., 2014), шунингдек, иммун тизимининг цитокинли бўғинларида номуносивблик аниқланган (Сормолотова И.Н. 2014, Endo Y, et al. 2015).

Ўзбекистон олимлари томонидан яллиғланишга ҳос цитокин гени ФНО- $\alpha$  нинг атопик дерматитнинг ривожланиш механизмидаги роли ўрганилган, бу ҳолат атопик дерматитнинг оғирлик даражасининг ривожланишида аҳамиятли бўлган юқори хавф маркери бўлиб ҳисобланиши тасдиқланган (Мавлянова Ш.З., Гулямова Г.Ш. ва ҳаммуаллифлар, 2020). Умумий IgE гиперпродукцияси фонида яллиғланишга ҳос (ИЛ-1, ИЛ-6) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-4, ИЛ-10) миқдорининг ошиши билан тавсифланган иммун-цитокин ҳолатининг номуносивблиги аниқланган (Мавлянова Ш.З., Алимухамедова Ю.А., 2022).

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳамроҳ аллергик касалликлар ва организмнинг иммун-цитокин ҳолатини ўрганиш АД клиник кечишининг хусусиятларини аниқлаш, даволашнинг усулларини такомиллаштириш ва янги самарали профилактика усулларини ишлаб чиқишни таъминлайди. Юқоридаги муаммолар мазкур масалани батафсил ўрганишни талаб қилади ва диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 01980006703-сон «Болаларда туғма ва ортирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» (2019-2022 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** атопик дерматит билан касалланган турли ёшдаги болаларда теридаги патологик жараёнларнинг ҳамроҳ аллергик касалликларга боғлиқлигини ўрганиш ва унинг асосида патогенетик даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда самарали профилактика усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

атопик дерматит билан касалланган турли ёшдаги болаларда касалликнинг клиник хусусиятларини баҳолаш;

АД билан оғриган беморларда ҳамроҳ аллергик касалликларни эътиборга олган ҳолда касалликнинг клиник кечишидаги ўзгаришларни аниқлаш;

АД билан оғриган бемор болаларда иммун-цитокин (ИЛ-4, ИЛ-6, ЎНО- $\alpha$ , INF- $\gamma$ , IgE) ҳолатни баҳолаш;

АД касаллигининг клиник кечишида ҳамроҳ аллергик касалликлари ва иммунологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касалликнинг такомиллаштирилган ва самарали патогенетик даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг дерматология бўлимида 2019-2022 йиллар давомида атопик дерматитнинг турли клиник шакллари билан даволанган 2 ойликдан 17 ёшгача бўлган 133 нафар бемор болалар олинган.

**Тадқиқотг предмети** сифатида беиор болалар ҳамда амалий соғлом шахсларнинг периферик қон ва қон зардоби олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, махсус клиник (дерматологик индекслар), иммунологик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда АДнинг клиник шакллари орасида энг кўп эритематоз-сквамоз (42,1% беморда) ва лихенификацияга мойил эритематоз-сквамоз (30,9% беморда) шакллари билан касалланиш ҳолатлари кузатилиши ва тошмалар учоқлари асосан бир вақтнинг ўзида беморнинг юзи, қўллари, оёқларида (42,1%) жойлашиши исботланган;

АД билан оғриган беморларда ҳамроҳ аллергик касалликлар сифатида аллергик ринит, фарингит ёки ларингит (15,0%), аллергик конъюнктивит (11,3%) ва аллергик бронхит (13,5%) касалликлари кузатилиши ва бундай беморларда ҳамроҳ аллергик касаллик ҳамда касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

ҳамроҳ аллергик касаллиги бўлган АД билан оғриган беморларда, айниқса, ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит фонидида назорат гуруҳига нисбатан IgE (мос равишда  $197,90 \pm 3,54$  ва  $280,67 \pm 4,50$ ), ИЛ-6 (мос равишда  $182,46 \pm 3,32$  ва  $201,27 \pm 4,78$ ) ва ЎНО- $\alpha$  (мос

равишда  $30,67 \pm 1,62$  ва  $41,02 \pm 3,00$ ) миқдорини ишончли ошиши қайд этилиб, ҳамроҳ аллергик касалликлар, цитокин миқдорлари ва касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

АД билан ҳасталанган беморларда ҳамроҳ аллергик касалликлари ва иммунологик ўзгаришларни ҳисбога олган ҳолда аргинил-альфа-аспартил-лизил-валил-тирозил-аргинин диацетат препарати ёрдамида комплекс терапияси ҳамроҳлик қилувчи бошқа аллергик касалликлар бўлмаган атопик дерматит бўлган бемор болаларда ҳамда ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит фони бўлган болалар гуруҳида анъанавий даво усулига нисбатан 2 баравардан ортиқ клиник соғайиш ҳолатлари қайд этилгани билан ифодаланган терапевтик самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларда асосан АДнинг эритематоз-сквамоз ва лихенификацияга мойил эритематоз-сквамоз клиник шакллари билан касалланиш ҳолатлари кузатилиши ва тошмаларнинг кўп ҳолларда юз, қўл ва оёқлар терисида жойлашиши асосланган;

болаларда АДда аллергик ринит, фарингит ёки ларингит, аллергик конъюнктивит ва аллергик бронхит каби ҳамроҳ аллергик касалликлар кузатилиши ва касаллик клиник кечиши оғирлигининг ортиши мавжуд ҳамроҳ аллергик касалликлар билан боғлиқлиги асосланган;

болаларда АДда, айниқса, ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит бўлганда IgE, ИЛ-6 ва ЎНО- $\alpha$  миқдори ишончли кўтарилиши ҳамда ҳамроҳ аллергик касалликлар, цитокин миқдори ва касалликнинг оғирлик даражаси ўртасидаги боғлиқлиги асосланган;

болаларда АДда ҳамроҳ аллергик касалликлари ва иммунологик ўзгаришларни ҳисбога олган ҳолда аргинил-альфа-аспартил-лизил-валил-тирозил-аргинин диацетат препарати ёрдамида комплекс терапияси анъанавий даво усулига нисбатан 2 баравардан ортиқ клиник соғайиш ҳолатлари қайд этилгани билан ифодаланган терапевтик самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АДнинг эритематоз-сквамоз ва лихенификацияга мойил эритематоз-сквамоз клиник шакллари билан касалланиш ҳолатлари кузатилиши ва тошмалар ўчоқлари асосан бир вақтнинг ўзида беморнинг юзи, қўллари, оёқларида жойлашиши, дерматознинг ўрта оғир шакли ривожланиши ташхисотни такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АД билан оғриган беморларда ҳамроҳ аллергик касалликлар сифатида аллергик ринит, фарингит

ёки ларингит, аллергик конъюнктивит ва аллергик бронхит касалликлари кузатилиши ва бундай беморларда ҳамроҳ аллергик касаллик ҳамда касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги, ҳамроҳ аллергик касаллиги бўлган АД билан оғриган беморларда, айниқса, ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит фонида Ig E, ИЛ-6 ва ЎНО-α миқдорини ишончли кўтарилиши, ҳамроҳ аллергик касалликлар, цитокин миқдорлари ва АДнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги ҳамда АД билан ҳасталанган беморларнинг аргинил-альфа-аспартил-лизил-валил-тирозил-аргинин диацетат препарати ёрдамида комплекс терапияси анъанавий даво усулига нисбатан 2 баравардан ортиқ клиник соғайиш ҳолатлари қайд этилиши терапевтик самарадорлигини ошишига имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2023 йил 23 июндаги 03/50-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 19 майдаги 03/983-сонли хати юборилган):

*биринчи илмий янгилик:* болаларда атопик дерматитнинг клиник шакллари орасида энг кўп эритематоз-сквамоз (42,1% беморда) ва лихенификацияга мойил эритематоз-сквамоз (30,9% беморда) шакллари билан касалланиш ҳолатлари кузатилиши ва тошмалар учоқлари асосан бир вақтнинг ўзида беморнинг юзи, қўллари, оёқларида (42,1%) жойлашиши Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бўйича 17.06.23 йилдаги №54-сон буйруқ ҳамда Тошкент шаҳар 2-сон тери-таносил касалликлари диспансери бўйича 24.11.2021 йилдаги 140-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: болаларда атопик дерматитнинг клиник шакллари орасида энг кўп эритематоз-сквамоз (42,1% беморда) ва лихенификацияга мойил эритематоз-сквамоз (30,9% беморда) шакллари билан касалланиш ҳолатлари кузатилиши ва тошмалар учоқлари асосан бир вақтнинг ўзида беморнинг юзи, қўллари, оёқларида (42,1%) жойлашиши мутахассислар томонидан касалликни эрта ташхислашда аниқ диагностик мезонлардан фойдаланишга ва атопик дерматит билан ҳасталанган беморларни даволашда самарали патогенетик усулни белгилаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: болаларда атопик дерматитнинг клиник шакллари орасида энг кўп эритематоз-сквамоз (42,1% беморда) ва лихенификацияга мойил эритематоз-сквамоз (30,9% беморда) шакллари билан касалланиш ҳолатлари кузатилиши ва тошмалар учоқлари асосан бир вақтнинг ўзида беморнинг юзи, қўллари, оёқларида (42,1%) жойлашишини исботланиши касалликни ташхислашда қўшимча инвазив текширувлардан (гистологик таҳлил) дан воз кечиш ҳисобига бир текширувга сарфланадиган 279 600 сўм, 97 нафар беморга 27 121 200 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** атопик дерматитни тўғри ва эрта ташхислашда касалликнинг клиник шакллари орасида энг кўп эритематоз-сквамоз ва лихенификацияга мойил

эритематоз-сквамоз шакллари билан касалланиш ҳолатлари кузатилиши ва тошмалар учоқлари асосан бир вақтнинг ўзида беморнинг юзи, қўллари, оёқларида жойлашиши исботланиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 279 600 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*иккинчи илмий янгилик:* атопик дерматит билан оғриган беморларда ҳамроҳ аллергик касалликлар сифатида аллергик ринит, фарингит ёки ларингит (15,0%), аллергик конъюнктивит (11,3%) ва аллергик бронхит (13,5%) касалликлари кузатилиши ва бундай беморларда ҳамроҳ аллергик касаллик ҳамда касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бўйича 17.06.23 йилдаги №54-сон буйруқ ҳамда Тошкент шаҳар 2-сон тери-таносил касалликлари диспансери бўйича 24.11.2021 йилдаги 140-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қўйидагилардан иборат: атопик дерматит билан оғриган беморларда ҳамроҳ аллергик касалликлар сифатида аллергик ринит, фарингит ёки ларингит (15,0%), аллергик конъюнктивит (11,3%) ва аллергик бронхит (13,5%) касалликлари кузатилиши ва бундай беморларда ҳамроҳ аллергик касаллик ҳамда касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги дерматолог ва дерматолог ҳамда педиатр, аллерголог, оториноларинголог ва офтальмолог мутахассислари томонидан атопик дерматит ва ҳамроҳ кечувчи аллергик касалликларни эрта ташхислашда аниқ диагностик мезонлардан фойдаланишга ҳамда атопик дерматит билан ҳасталанган беморларни даволашда самарали патогенетик усулни белгилаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қўйидагилардан иборат: атопик дерматит билан оғриган беморларда ҳамроҳ аллергик касалликлар сифатида аллергик ринит, фарингит ёки ларингит (15,0%), аллергик конъюнктивит (11,3%) ва аллергик бронхит (13,5%) касалликлари кузатилиши ва бундай беморларда ҳамроҳ аллергик касаллик ҳамда касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги исботланиши орқали касаллик билан бирга кечувчи ҳамроҳ аллергик касалликларни ташхислаш муддатини қисқартириш ҳамда эрта самарали патогенетик даволашни бегилаш имконини яратган (ТошПТИ клиникасининг преискурантига кўра беморнинг клиникада бир кунлик ҳаражати ўртача 120 000 сўмни ташкил этади, эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини белгилаш натижасида 53 нафар бемор ҳисобидан 60 950 000 сўм маблағ иқтисод қилинади). **Хулоса:** болаларда атопик дерматит билан бирга кечувчи ҳамроҳ аллергик касалликларни эрта ташхислашда дерматолог ҳамда педиатр, аллерголог, оториноларинголог ва офтальмолог мутахассисларини жалб қилиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120 000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 55 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик:* ҳамроҳ аллергик касаллиги бўлган атопик дерматит билан оғриган беморларда, айниқса, ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит фонидида назорат гуруҳига нисбатан IgE (мос равишда  $197,90 \pm 3,54$  ва  $280,67 \pm 4,50$ ), ИЛ-6 (мос равишда

182,46 ± 3,32 ва 201,27 ± 4,78) ва ЎНО-α (мос равишда 30,67 ± 1,62 ва 41,02 ± 3,00) миқдорини ишончли кўтарилиши қайд этилиб, ҳамроҳ аллергик касалликлар, цитокин миқдорлари ва касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бўйича 17.06.23 йилдаги №54-сон буйруқ ҳамда Тошкент шаҳар 2-сон тери-таносил касалликлари диспансери бўйича 24.11.2021 йилдаги 140-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ҳамроҳ аллергик касаллиги бўлган атопик дерматит билан оғриган беморларда, айниқса, ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит фонидида назорат гуруҳига нисбатан IgE (мос равишда 197,90 ± 3,54 ва 280,67 ± 4,50), ИЛ-6 (мос равишда 182,46 ± 3,32 ва 201,27 ± 4,78) ва ЎНО-α (мос равишда 30,67 ± 1,62 ва 41,02 ± 3,00) миқдорини ишончли кўтарилиши қайд этилиб, ҳамроҳ аллергик касалликлар, цитокин миқдорлари ва касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги дерматолог ва дерматолог ҳамда педиатр, аллерголог, оториноларинголог ва офтальмолог мутахассислари томонидан атопик дерматит ва ҳамроҳ кечувчи аллергик касалликларни эрта ташхислашда аниқ диагностик мезонлардан фойдаланишга ҳамда атопик дерматит билан ҳасталанган беморларни даволашда самарали патогенетик усулни қўллаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ҳамроҳ аллергик касаллиги бўлган атопик дерматит билан оғриган беморларда, айниқса, ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит фонидида назорат гуруҳига нисбатан IgE (мос равишда 197,90 ± 3,54 ва 280,67 ± 4,50), ИЛ-6 (мос равишда 182,46 ± 3,32 ва 201,27 ± 4,78) ва ЎНО-α (мос равишда 30,67 ± 1,62 ва 41,02 ± 3,00) миқдорини ишончли кўтарилиши қайд этилиб, ҳамроҳ аллергик касалликлар, цитокин миқдорлари ва касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги исботланиши орқали касаллик билан бирга кечувчи ҳамроҳ аллергик касалликларни ташхислаш муддатини қисқартириш ҳамда эрта самарали патогенетик даволашни бегилаш имконини яратган (ТошПТИ клиникасининг преискурантига кўра беморнинг клиникада бир кунлик ҳаражати ўртача 120 000 сўмни ташкил этади, эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини белгилаш натижасида 53 нафар бемор ҳисобидан 50 880 000 сўм маблағ иқтисод қилинади). **Хулоса:** болаларда атопик дерматит ва у билан бирга кечувчи ҳамроҳ аллергик касалликларни эрта ташхислашда тегишли иммунологик текширувларни ўтказиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 120 000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағларни 225 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**тўртинчи илмий янгилик:** атопик дерматит билан ҳасталанган беморларда ҳамроҳ аллергик касалликлари ва иммунологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда аргинил-альфа-аспартил-лизил-валил-тирозил-аргинин диацетат препарати ёрдамида комплекс терапияси ҳамроҳлик қилувчи бошқа аллергик касалликлар бўлмаган атопик дерматит бўлган бемор болаларда ҳамда ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит фони бўлган болалар гуруҳида анъанавий даво усулига нисбатан 2 баравардан

ортиқ клиник соғайиш ҳолатлари қайд этилиши Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бўйича 17.06.23 йилдаги №54-сон буйруқ ҳамда Тошкент шаҳар 2-сон тери-таносил касалликлари диспансери бўйича 24.11.2021 йилдаги 140-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: клиник тадқиқотлар натижаларига кўра иммунокоррекцияловчи – аргинил-альфа-аспартил-лизил-валил-тирозил-аргинин диацетат (имунофан) дори воситасини қўллаш, беморларда клиник соғайиш ва теридаги патологик жараённинг яхшиланиши ҳолатларининг сезиларли равишда 75,0 %га ошишига олиб келади. Ҳамроҳлик қилувчи бошқа аллергик касалликлар бўлмаган атопик дерматит бўлган бемор болаларда ҳамда ҳамроҳ аллергик ринит, фарингит ёки ларингит ва аллергик бронхит фони бўлган болалар гуруҳида анъанавий даво усулига нисбатан 2 баравардан ортиқ клиник соғайиш ҳолатлари қайд этилади. Олинган натижалар асосида иммунокоррекцияловчи – аргинил-альфа-аспартил-лизил-валил-тирозил-аргинин диацетат (имунофан) дерматология амалиётида кенг қўламда фойдаланиш имкониятини берган. Таклиф этилган комплекс даволаш усули бемор иммун тизими ҳолатини коррекциялаган ва клиник жиҳатдан ижобий натижалар бериб, даволаш сифатини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: олиб борилган даволаш усули беморларда даволаниш самарадорлигини 75,0%га оширган. Бунинг негизида беморларнинг даволанишга қаратилган пуллик харажатлари 1,2 бараварга камайган (ТошПТИ клиникасининг прејскурантига кўра беморнинг клиникада бир кунлик харажати ўртача 120 000 сўмни ташкил этади, эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини белгилаш натижасида 74 нафар бемор ҳисобидан 17 760 000 сўм маблағ иқтисод қилинади). **Хулоса:** беморнинг шифохонадаги даври учун: беморнинг шифохонада ётиб даволаниш муддатини 10 кундан 8 кунга қисқариб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 240 000 сўмга камайтирилган (ТошПТИ клиникасининг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 120 000 сўмни ташкил қилади), шифохонада бўлиш даврининг 8 кунга қисқариши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган. Атопик дерматитнинг турли шакллари билан ҳасталанган беморларда стационар шароитида даволанишдаги янги даволаш усуллари қўллаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 240 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 250 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати ва ушбу ишга талаб асосланган асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда атопик дерматитнинг эпидемиологияси, этиопатогенези, клиник кечиши ва даволашнинг замонавий усуллари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, маҳаллий ва хорижий манбалар асосида атопик дерматитни эпидемиологияси, патогенези, клиникаси ва уни даволашнинг замонавий жиҳатлари тўлиқ таҳлил қилинган. Баён қилинган материаллар асосида атопик дерматитнинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, илмий ишда қўлланилган атопик дерматитни оғирлик даражасини аниқлаш (SCORAD индекси), иммунологик усуллари, статистик таҳлил қайд этилган. Клиник ва лаборатор тадқиқотларлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини тери-таносил касалликлари бўлимида даволанган 2 ойдан 17 ёшгача бўлган 133 нафар бемор болаларда олиб борилди. Улардан 64 (48,1%) нафарини қиз болалар ва 69 (51,9%) нафарини ўғил болаларни ташкил этди. Клиник назоратдагиларни 62 (46,6%) нафари шаҳар аҳолиси ва 71 (53,4%) таси қишлоқ аҳолиси бўлган. Беморларни ёши бўйича тақсимлаганда 1-5 ёшгача бўлган беморлар 38,4% ни ва 1 ёшгача бўлгани 23% ни ташкил этди. Атопик дерматит билан оғриган беморларда касалликнинг давомийлиги 2 кундан 13 йилни ташкил этди. Улардан 82 (61,6%) нафар беморда атопик дерматит 1 йилгача, 32 (24,1%) нафар беморда – 1 йилдан 3 йилгача, 9 (6,8%) нафар беморда – 4 йилдан 5 йилгача ва 10 (7,5%) нафар беморда 5 йилдан ортиқни ташкил қилди, яъни ни аксарияти (61,6%) касалликни эрта даврида мурожат этган. Беморлар клиник шакллар бўйича қуйидагича тақсимланди: эритематоз-сквамозли шакли – 62 (42,1%), лихенификацияли эритематоз-сквамозли шакли – 41 (30,9%), экссудатив шакли – 18 (13,5%) лихеноидли шакли – 13 (9,8%) ва пруригинозли шакли – 5 (3,7%) нафар беморда кузатилди.

Атопик дерматитни оғирлик даражасини аниқлаш - SCORAD индекси Hanifin, J.M., Rajka, G. (1980) бўйича аниқланди. Қонда ИЛ-4, ИЛ-6 ва ЎНО- $\alpha$  ни миқдорини аниқлаш “ИЛ-4-ИФА-БЕСТ”, “ИЛ-6-ИФА-БЕСТ” ва “ФНО- $\alpha$ -ИФА-БЕСТ” “Вектор-Бест” ЁТАЖ (Новосибирск, Россия) диагностика

тўпламида билвосита иммунфермент таҳлили (ИФТ) усулини қўллаш орқали ўтказилди.

Олинган имлий натижалар статистик ишлов беришда Microsoft Office Excel-2010 пакети ёрдамида вариацион статистика усули қўлланилди.

Диссертацияни **“Атопик дерматит касаллигининг клиник хусусиятлари ва касалликнинг айрим патогенетик механизмларини текшириш”** деб номланган III бобни 3.1. “Атопик дерматит касаллигининг клиник хусусиятлар” парграфида атопик дерматитли беморларни клиник шакли бўйича тошмаларга тасниф берилган, ҳамда касалликни клиник кечишини оғирлик даражаси таҳлил қилинди.

Клиник текширувлар натижасижа аниқландики, биз кузатаётган атопик дерматитли болалардаги патологик ўчоқлар, танани бошқа соҳаларига тана, қўл, оёқ) нисбатан, аксарият ҳолларда (82%) беморларни, бошқа соҳаларга нисбатан юзида жойлашган.

Клиник текширувлар шуни кўрсатдики, атопик дерматитнинг эритематоз-сквамозли шакли бўлган 56 та беморларнинг 29 (51,8%) нафарда дерматоз энгил кечган (SCORAD индекси бўйича ўртача –  $30,6 \pm 1,4$  балл), 17 (30,4%) нафарда –ўртача ( $65,9 \pm 1,8$  балл) ва 10 (17,8%) нафарда оғир ўтган ( $90,8 \pm 2,3$  балл). бемор болаларда аниқланди. Касалликнинг лихенификацияли эритематоз-сквамозли шаклида (41 бемор) SCORAD индекси бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлди: касалликнинг энгил кечиши ( $38,8 \pm 1,8$  балл) - 17 (41,5%), ўртача оғирликда кечиши ( $66,6 \pm 2,3$  балл) -16 (39,0%) ва оғир кечиши ( $88,8 \pm 1,4$  балл) -8 (19,5%) та беморда кузатилди. Атопик дерматитнинг экссудативли шакли билан оғирган 18 нафар бемор болаларда касалликнинг энгил кечиши ( $31,5 \pm 3,1$  балл) - 8 (44,4%) та, ўртача оғирликда кечиши ( $72,9 \pm 1,9$  балл) – 5 (27,8%) та ва оғир кечиши ( $88,4 \pm 1,8$  балл) – 5 (27,8%) та кишида аниқланди. Касалликни лихеноидли шакли бўлган бемор болаларда касалликнинг энгил кечиши ( $30,8 \pm 5,2$  балл)- 4 (30,8%) нафар, ўртача оғирликда кечиши ( $75,0 \pm 2,1$  балл) – 6 (46,1%) нафар ва оғир кечиши ( $90,9 \pm 4,6$  балл) – 3 (23,1%) нафар беморда кузатилди. Атопик дерматитнинг пруригинозли шакли болаларда (5та бемор) унинг энгил кечиши ( $48,7 \pm 0$  балл) - 1 (20,0%) та, ўртача оғир кечиши ( $78,1 \pm 0,7$  балл) - 2 (40,0%) та ва оғир кечиши ( $100,9 \pm 1,1$  балл) - 2 (40,0%) та беморларда ташхисланди.

Шундай қилиб, атопик дерматитни, SCORAD индексига асосан, оғир кечиши бўйича энг юқори кўрсаткич пруригиноз шаклда ( $100,9 \pm 1,1$  балл) ва энг кам кўрсаткичга эса эритематоз-сквамоз ( $30,6 \pm 1,4$  балл) шаклларида кузатилди. Бу маълумотлар клиник диагностика асосида даволаш-профилактик чораларни режалаштираётганда ёрдам беради.

**“Атопик дерматит касаллигининг клиник хусусиятлари ва касалликнинг айрим патогенетик механизмларини текшириш”** деб номланган III-бобда атопик дерматитли беморларда аллергия хамроҳ касалликларни учраши, уларнинг атопик дерматитни клиник кечишига таъсири ўрганилди. Клиник назоратда бўлган 133 нафар беморлардан 53 (39,8%) беморда турли аллергия касалликлар ташхисланди. “Атопик дерматит билан оғирган болаларда ички аъзолардаги касалликларни учраши” деб номланган 3.2. параграфида хамроҳ (йўлдош) касалликлари бор атопик

дерматитли беморларда дерматозни клиник кечиши таҳлил қилинди. Чунки атопик дерматитнинг клиник номоён бўлиши ва кечишида ҳамроҳлик қилувчи аллергия патологиялар алоҳида роль ўйнайши адабиётларда ва клиник амалиётдан маълум. Бунинг учун АД билан оғриган беморларни тиббиётни турли соҳа мутахассислари кўриқдан ўтказди ва керакли клиник-лаборатор текширишлар ўтказилди. Атопик дерматит билан оғриган 133 беморлардан 53 (39,8%) тасида турли аллергия ҳамроҳ касалликлар аниқланди. Улардан 18 (13,5%) та беморда аллергия бронхит (АБ) касаллиги, 15 (11,3%) тада - аллергия конъюнктивит (АК), 20 (15,0%) тада - аллергия ринит, фарингит ёки ларингит (АРФЛ) касалликлари ташхисланди. Ҳамроҳ аллергия касалликларни атопик дерматитни клиникасига таъсирини ўрганиш учун, таққаслама гуруҳ сифатида умуман ҳамроҳ касалликлари бўлмаган 32 та атопик дерматитли беморлар олинди. Юқоридаги олинган маълумотлардан кўришиб турибдики АДли беморлар орасида, аксарият ҳолларда, аллергия ринит, фарингит ёки ларингит (15,0%) каби ҳамроҳ патологияларни учраши аниқланади.

Атопик дерматитли бемор болалар гуруҳида касалликни клиник кечишини оғирлиги атопик дерматит ва ҳамроҳ аллергия касалликлар бирга келган гуруҳ беморлари билан, SCORAD индекси бўйича, солиштирилди. АДни клиник енгил кечган беморларда SCORAD индекси  $33,7 \pm 1,0$  баллни, АД ва ҳамроҳ аллергия касалликлар бирга учраган ҳолларда бу индекс  $42,9 \pm 2,9$  баллни ташкил этди ва бу рақамлар орасидаги фарқда статистик мойиллик ( $p > 0,05$ ) топилди. АД ва АД ва ҳамроҳ касалликлар ассоциацияланган беморлар орасида ўртача оғир даражада (мос равишда  $42,3 \pm 2,7$  балл;  $73,1 \pm 3,4$  балл) ва оғир даражада кечаётган беморларда (мос равишда  $62,7 \pm 1,3$  балл;  $98,5 \pm 3,1$  балл) SCORAD индексининг фарқи статистик ишончли даражада ( $p < 0,001$ ) қайд этилди. Олинган натижалар таҳлили бўйича атопик дерматит ва ҳамроҳ аллергия касалликлар бирга келган бемор болалар гуруҳида дерматоз фақат АД билан оғриган беморлар гуруҳига нисбатан касалликни енгил, ўртача оғир ва оғир даражаларида SCORAD индекси юқори бўлган.

Шундай қилиб, АД ва ҳамроҳ аллергия касалликлар билан ассоциацияланган гуруҳда, АД ва АД ҳамда ҳамроҳ аллергия бўлмаган беморлар гуруҳларига нисбатан SCORAD индексининг юқорилиги, яъни касаллик оғирроқ кечишидан дарак беради. Бу олинган натижалар касалликларни клиник кечишини прогноз қилишда ёрдам беради.

**III-бобни “Атопик дерматит билан оғриган болаларда иммуноглобулин Е ва айрим цитокинларни ҳолати” 3.4. параграфида** АДли беморларни қон зардобидида цитокинлар (ИЛ-4, ИЛ-6 ва  $\text{ЎНО-}\alpha$ ), IgE ва интерферон- $\gamma$  моддаларини миқдор ўзгариши атопик дерматит ва у билан бирга келган ҳамроҳ аллергия касалликлар гуруҳларида ўрганилди.

Текширувлар натижасида АД билан оғриган бемор болаларнинг қон зардобидида яллиғланиш олди цитокинлар ИЛ-6 ( $184,01 \pm 1,71$  пг/мл,  $p < 0,05$ ) ва  $\text{ЎНО-}\alpha$  ( $30,34 \pm 1,07$  пг/мл,  $p < 0,001$ ) миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ( $151,60 \pm 1,92$  пг/мл ва  $14,18 \pm 0,56$  пг/мл), ишончли даражада ошганлиги аниқланди. Айни дамда яллиғланишга қарши бўлган ИЛ-4

citoкиннинг концентрацияси ( $1,56 \pm 0,06$  пг/мл) назорат гуруҳи кўрсаткичларига ( $1,83 \pm 0,16$  пг/мл) нисбатан ишончли пасайиши ( $p < 0,05$ ) аниқланди. Беморлар гуруҳида интерферон ИНФ- $\gamma$  миқдори ( $16,85 \pm 0,36$  пг/мл) назорат гуруҳига ( $21,00 \pm 0,77$  пг/мл,  $p < 0,05$ ) нисбатан ишончли пасайиши аниқланди.

АДни аллергия конъюнктивит бўлган бемор болаларнинг қон зардобиди ИЛ-6 ( $182,35 \pm 4,06$  пг/мл,  $p < 0,05$ ) ва ЎНО- $\alpha$  ( $28,74 \pm 2,65$  пг/мл,  $p < 0,01$ ), назорат гуруҳига (мос равишда  $151,60 \pm 1,92$  пг/мл и  $14,18 \pm 0,56$  пг/мл) нисбатан статистик ишончли даражада кўтарилганлиги кузатилди. Лекин яллиғланишга қарши ИЛ-4 citoкиннинг ( $1,61 \pm 0,15$  пг/мл) ва интерферон- $\gamma$  нинг ( $16,60 \pm 0,95$  пг/мл) концентрациясини назорат гуруҳи кўрсаткичларига (мос равишда  $1,83 \pm 0,16$  пг/мл ва  $21,00 \pm 0,77$ ) нисбатан пасайишга мойиллиги ( $p > 0,05$ ) аниқланди. АД ва конъюнктивит билан оғриган бемор болаларнинг қон зардобиди IgE нинг миқдорини ишончли даражада ( $p < 0,01$ ) кўтарилиши аниқланди ва у ўртача  $219,20 \pm 6,82$  ХБ ни, назорат гуруҳида эса  $96,33 \pm 0,64$  ХБ ни ташкил қилди.

Атопик дерматитни ринит, фарингит ёки ларингит билан бирга учраган бемор болаларда ўрганилаётган citoкинлар, ИНФ- $\gamma$  ва IgE ни кўрсаткичларини текшириш шуни кўрсатдики, ИЛ-6 ( $182,46 \pm 3,32$  пг/мл) ва ЎНО- $\alpha$  ( $30,67 \pm 1,62$  пг/мл), назорат гуруҳига (мос равишда  $151,60 \pm 1,92$  пг/мл и  $14,18 \pm 0,56$  пг/мл) нисбатан статистик ишончли даражада ( $p < 0,01$ ) кўтарилганлиги, ҳамда яллиғланишга қарши ИЛ-4 citoкин миқдорини ( $1,55 \pm 0,13$  пг/мл) соғлом инсонларга ( $1,83 \pm 0,16$  пг/мл) нисбатан пасийишга мойиллиги ( $p > 0,05$ ) кузатилди. Ушбу беморлар қонида IgE миқдори статистик равишда ( $p < 0,01$ ) ошган ( $197,90 \pm 3,54$  ХБ, назорат гуруҳида ( $96,33 \pm 0,64$  ХБ), ИНФ- $\gamma$  миқдори ( $16,85 \pm 0,74$  пг/мл) эса, соғлом гуруҳга нисбатан ( $21,00 \pm 0,77$  пг/мл) пасийишга мойил ( $p > 0,05$ ) бўлган.

АД ва аллергия бронхит билан бирга учраган бемор болаларнинг қон зардобиди даволашгача назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда IgE, ИЛ-6 ва ЎНО- $\alpha$  миқдорини ишончли кўтарилиши кузатилди ( $p < 0,001$ ) ва улар ўртача мос равишда  $280,67 \pm 4,50$  ХБ,  $201,27 \pm 4,78$  пг/мл ва  $41,02 \pm 3,00$  пг/мл ни, назорат гуруҳида эса мос равишда  $96,33 \pm 0,64$  ХБ,  $151,60 \pm 1,92$  пг/мл и  $14,18 \pm 0,56$  пг/мл ни ташкил қилди. Шу билан бир қаторда ушбу гуруҳ беморларида яллиғланишга қарши citoкин ИЛ-4 нинг ( $1,29 \pm 0,13$  пг/мл) ва интерферон- $\gamma$  нинг ( $14,78 \pm 0,91$  пг/мл) концентрациясини назорат гуруҳи кўрсаткичларига (мос равишда  $1,83 \pm 0,16$  пг/мл ва  $21,00 \pm 0,77$  пг/мл) нисбатан ишончли пасайиши аниқланди ( $p < 0,05$ ).

Олинган натижалардан маълум бўлдики, атопик дерматитли беморлар қон зардобиди, соғлом инсонларга нисбатан, яллиғланиш олди citoкинлари (ИЛ-6, ЎНО- $\alpha$ ), IgE ни ошиши, яллиғланишга қарши (ИЛ-4) ва ИНФ- $\gamma$  миқдорини эса пасайиши аниқланган. АДни ҳамроҳ касалликлар билан бирга келганда эса бу кўрсаткичлардаги ўзгаришларнинг ифодаланиши янада яққол бўлган.

Диссертациянинг “Атопик дерматит бўлган бемор болаларни патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқиш” деб номланган IV боби олинган илмий натижалар асосида АД билан оғриган бемор болаларнинг

давосини такомиллаштиришга ва қўлланилаётган даволаш усули таъсирида цитокинлар, ИНФ-γ ва IgEнинг ҳолатини ўрганишга бағишланган.

Ўтказилган даволаш усули бўйича кузатувда бўлган беморлар икки гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳга 59 нафар бемор кирган (таққослов гуруҳи) ва бу гуруҳ беморларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дерматовенерология бўйича текшириш ва даволаш стандартларига мувофиқ (2019 йил) анъанавий даво чоралари (гипосенсибилизацияловчи препаратлар, витаминлар ва маҳаллий гормонал малҳамлар) белгиланди; иккинчи гуруҳ (асосий гуруҳ) 74 та бемордан ташкил топган бўлиб, улар анъанавий даволаш фониди “Дезлоратадин” сиропи, “Имунофан” препарати ва маҳаллий “Адвантан” ва “Дексерил” малҳамлари билан даволанди. Шу билан бирга иккала гуруҳда ҳам ёндош мутахассислар томонидан аниқланган ҳароҳ касалликлар бартараф этилди.

Даволаш натижалари шуни кўрсатдики, фақатгина АД бўлган бемор болаларда ишлаб чиқилган усул билан давода тошмаларни йўқолиши ўртача  $10,3 \pm 0,23$  кунга, анъанавий даволаш олган беморлар гуруҳида эса  $13,2 \pm 0,26$  ( $p > 0,05$ ) кунга тенг бўлди. Анъанавий даводан кейин беморларда қичишиш ўртача  $6,3 \pm 0,31$  кунда, таклиф этилган давода эса ўртача  $4,0 \pm 0,23$  ( $p > 0,05$ ) кунда тўхтади.

Атопик дерматитни аллергия конъюнктивит билан бирга учраган бемор болаларда анъанавий даводан сўнг тошмаларни йўқолиши ўртача даволашнинг  $14,0 \pm 0,53$  кунда ва қичишишни тўхташи  $7,5 \pm 0,64$  ( $p > 0,05$ ) кунда содир бўлди. Асосий гуруҳда эса тошмаларни йўқолиши даволашдан сўнг ўртача  $11,1 \pm 0,69$  кунда ва қичишишни тўхташи  $4,4 \pm 0,24$  ( $p > 0,05$ ) кунда содир бўлди.

Атопик дерматитни аллергия ринит, фарингит ёки ларингит билан ассоциацияланган ҳолларда таклиф этилган усулда даволашда тошмаларни сўрилиши учун ўртача  $13,3 \pm 0,51$  кун, анъанавий даволаш олган бемор болаларда эса  $16,4 \pm 0,38$  ( $p > 0,05$ ) кунни ташкил этган. Даво таъсирида тери қичишишининг тўхташи ишлаб чиқилган даволаш усул учун  $6,8 \pm 0,31$  кун ва анъанавий даволаш учун эса  $9,0 \pm 0,71$  ( $p > 0,05$ ) кун керак бўлди.

Атопик дерматитни аллергия бронхит билан бирга учраган бемор болаларнинг асосий гуруҳида тошмаларни йўқолиши ўртача  $14,5 \pm 0,45$  кунни, анъанавий даволаш олган беморлар гуруҳида эса  $18,2 \pm 0,36$  ( $p > 0,05$ ) кунни, тери қичишишининг тўхташи мос равишда  $7,8 \pm 0,31$  ва  $10,4 \pm 0,68$  ( $p > 0,05$ ) кунларни ташкил қилди.

Даволашни самарадорлиги куйидаги мезон бўйича баҳоланди: клиник соғайиш – патологик симптомларни тўла йўқолиши; аҳволини сезиларли яхшиланиши – қичишишни тўла тўхташи ва тошмаларни қисман йўқолиши; аҳволини яхшиланиши – қичишишни тўла тўхташи; самарасиз – ижобий терапевтик самарани йўқлиги.

Клиник кузатувлар шуни кўрсатдики фақат атопик дерматит билан оғриган бемор болаларни ишлаб чиқилган усул билан даволаган 19 (42,2%) нафари беморда клиник соғайиш, 16 (35,6%) нафарида – сезиларли яхшиланиш ва 10 (22,2%) нафарида – аҳволини яхшиланиши кузатилди. Анъанавий даволаш олган бемор болаларда эса клиник соғайиш – 6 (17,1%)

( $p > 0,05$ ) нафарида, сезиларли яхшиланиш – 9 (25,7%) нафарида, яхшиланиш – 15 (42,9%) нафарида аниқланди ва 5 (14,3%) нафар бемор болаларда ўтказилган даволаш самара бермади.

